


ДАНГАРА ТУМАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ
МАРКАЗИ РАХБАРИ С.АСКАРОВга

«УЗЭНЕРГОИНСПЕКЦИЯ» ФАРГОНА БУЛИМИ
БОШЛИГИ Х.ЭШКУЗИЕВга

ДАНГАРА ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАСИ БОШЛИГИга

Хонадонларни электр
таъминоти хақида.



ТЕХНИК ШАРТ

«Фаргона худудий электр тармоклари корхонаси» АЖ, «Кукон шаҳар Ободонлаштириш Бошкармаси» суровига асосан, Кукон шаҳар, 63-Кудуклик МФЙ, Кудуклик кучаси худуддаги аҳоли хонадонларини, уз тармоғига улаш учун куйидаги техник шартларни бажаргандан кейин рухсат беради.

Куввати-300 кВт. Тоифаси-III

ТЕХНИК ШАРТ МАЗМУНИ

1. Хонадонларни электр энергияси билан таъминлаш 110/6 кВли Чархий п/ст-си 6 кВли Булок узатмасидан бажарилсин. Уланиш нуктаси лойиҳада курсатилсин ва Туман электр таъминоти корхонаси билан келишилсин.
2. Юклама марказига трансформатор пункти урнатилсин. Трансформатор сони тури куввати ва уланиш схемаси лойиҳада курсатилсин.
3. 6 кВли Булок узатмасидан Хонадонлар учун куйилаётган ТПгача булган масофага 6 кВли ва шу ТП-дан Хонадонларгача булган масофага 0,4 кВли хаво (кабел) узатмалар курилсин. Шу узатмалар курилиши ер майдони тегишли ташкилотлар билан келишилсин.
4. 6 кВли Булок узатмасини лойиҳада нормал режимда юклама утказиш қобиляти ҳисобланиб курилсин. Авария ҳолатига эса текширилсин. Натижага қараб узатма сими ва айрим конструкциялар алмаштирилсин.
5. Химоя релеси курилмасини танлаш қиска туташув тоқини ҳисоблаш, электр курилмаларни чидамлилиқ (уставки) химоясини «Фаргона худудий электр тармоклари корхонаси» АЖни реле химояси хизмати билан келишилсин.
6. Хонадонларни лойиҳалаш ва куриш ишларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги «Электр тармоғи хўжалиғи объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида»и 1050-сонли қарори билан тасдиқланган талаблар ижроси таъминлансин.
7. Хонадонларни лойиҳалаш Давлат рухсатномаси (лицензия) бор лойиҳалаш корхонаси томондан бажарилсин.

ХИЗМАТ КУРСАТИШ:

1. Лойиҳалаш ишлари, «Фаргона худудий электр тармоклари корхонаси» АЖ ва «Узэнергоинспекция» билан келишилсин.
2. Ер ишлари бажарилиш пайтида Туман электр таъминоти корхонаси вакили таклиф қилинсин.
3. Хонадонларни электр таъминоти ГОСТ- 13109-97 ни талаблари асосида бажарилсин.
4. Лойиҳада куйидаги ишлар қулами бажарилсин.
А) Вазирлар Маҳкамасининг 5-июн 2009 йил 150-сонли қарорига ва 12 январ 2018 йил 22-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»нинг 4, 44 бандларига асосан Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭХНАТ) мос келадиган ҳисобга олиш асбоблари ва аппарат комплекслари урнатилсин ва шу ишлар қулами лойиҳада курсатилсин.
Б) Хонадонни ёритиш ПУЭ талабларига жавоб берсин.
В) Лойиҳада электр курилмаларни оператив ва техник хизмат қилиши шартлари курсатилсин.
Г) Курилаётган кабел қундаланг кесими, ҳисобланган кувват асосида танлансин.
5. Агар типовой лойиҳадан фойдаланилса ундаги узғаришларни электр курилиш қоидаларини (ПУЭ) талабига мослаштирилсин.
6. Техник шартни талаблари бажарилиши шарт.
7. Техник шартда курсатилган шартлар бажарилгандан сунг, истеъмолчини тармоққа, факат «Фаргона худудий электр тармоклари корхонаси» АЖни рухсати билан уланади.

Техник шартни муддати бир йил

Техник масалалар
буйича директор

А.Нуралиев